



Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 7 sentyabr № 38 (471)

Sotuvda narxi erkin

МУКОФОТЛАР МУБОРАК !

Япониянинг ОЕСФ -1 кредити лойиҳаси асосида минтақавий оптик толали алоқа линиялари қурилиши тугаланишида фаол иштирок этганликлари учун Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг буйруғига кўра, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори ўринбосари **Шомансур Шойсупович ОБИДХУЖАЕВ**, "Қорақалпоқ Телеком" АЖ бош директори **Ўрозбой Таженович ТАЖЕНОВ**, "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" АЖ бош директори **Аъзам Фахритдинович ИЗБОСАРОВ**ларга "Моҳир алоқачи" фахрий унвони берилди. Шунингдек, бир гуруҳ алоқачилар агентлигининг "Фахрий ёрлиги" ва "Ўз касбининг устаси" нишони билан мукофотланди.

БАЙРАМ ШУКУХИ...

Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги муносабати билан "Самарқанд Телеком" шўба корхонасида узоқ йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган ишчи-ходимларга Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги эсдалик нишони ва "Ўзбектелеком Интернейшнл АЖ" қўшма корхонасининг "Фахрий ёрлиги" топширилди. Тақдирлаш маросимида "Самарқанд Телеком" ШКнинг бош директори М. Саматов байрам шодиёналарига йиғилганларни қизгин табриклади.

3. ХУДОЁРОВА

"Тошкент Телеком" АЖнинг бир гуруҳ ходимлари алоқа соҳасида кўп йиллик самарали меҳнатлари учун корхонанинг "Фахрий ёрлиқ"лари билан тақдирланди.

Мукофотларни "Тошкент Телеком" АЖ бош директори З. Қосимов топширди ва жамоа аъзоларини байрам билан табриклади.

А. НУРОНИЙ

"Наманган Телеком" АЖ Тўрақўрғон филиалида ҳам худди шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда Акташ АТС электромонтери Т. Нурматов вилоят ҳокимлиги "Фахрий ёрлиги", телефончи С. Валиева "Наманган Телеком" АЖ "Фахрий ёрлиги", телефончи Э. Қаҳҳорова, электрик Т. Худойбердиевлар эса туман ҳокимлигининг кўкрак нишонлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Маросимда "Наманган Телеком" АЖ бош директори К. Боқиев ходимларни мустақиллик байрами билан табриклади.

С. ҚОБУЛОВА

БЕЛЛАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан "Қорақалпоқ Телеком" АЖ ва Қорақалпоқистон Республикаси алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси теннис бўйича мусобақа ўтказди. Мусобақада "Қорақалпоқ Телеком" АЖ таркибидаги ўн олти филиалдан ва Нукус шаҳридаги алоқа ходимлари орасидан ҳаваскор теннисчилар

қатнашди.

Қизикarli беллашувларда корхонанинг етакчи мутахассиси Арслонбой Садилов биринчи, Нукус шаҳри алоқа тармоғининг бошлиғи Сайдулла Абдумуратов иккинчи ўринларни эгаллашди. Мусобақа ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Қ. ТҮЛЕГЕНОВ,
жамоатчи мухбиримиз

Хурматли "Хабар" газетаси жонқуярлари! Биз ўз сеvimли газетамиз саҳифаларида соҳамиз ютуқлари, камчиликлари атрофлича ёритилаётганидан хурсандмиз. Газета орқали ишимиздаги муаммолардан, бошқа вилоятлардаги ҳамкасбларимиз фалсиятидан бохабар бўлиб тураемиз. Бугун эса имкониятдан фойдаланиб, айрим муаммолар ҳақида фикр юритмоқчиман.

Мен "Самарқанд почтаси" АЖ Уругт филиалига қарашли Ғус алоқа бўлими бошлиғи вазифасида ишлайман. Бўлими-миз 20 мингдан ортиқ аҳолига, жумладан, 1980 нафардан зиёд пенсионерларга хизмат қилади. Июл ойида электр энергияси ва газ учун аҳолидан 1069065 сўм коммунал тўловларини йиғдик. Ҳар ойда 1648 донна вақтли матбуот нашрларини, хат-хабарларни ўз эгаларига етказиб бермоқдамиз. Фақат июл ойидагина 6832 сўмлик почта белгилари, 3925 сўмлик газета, 174300 сўмлик лотерея сотилди ва яна бошқа 10000 сўмлик хизмат кўрсатдик.

Мен бу рақамларни макта-ниш учун эмас, балки олти нафар почтачи бажараётган иш ҳажмини кўз ўнгингизга келтиришингиз ва ҳамкасбларимизнинг бундан келиб чиқадиган муаммолар салмоғини ҳис қилиб, мулоҳаза юрити-шингиз учун келтирялман.

Яқинда филиал йиғилиши-да Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги-нинг "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат бан-

кларининг масъулиятини оши-ришга доир қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида"ги 208 сон-ли буйруғи асосида 1 август-

МУАММО ПАЙДО БЎЛМОҚДА

дан бошлаб тушган тушумлар-ни филиалга топширишимиз тўғрисида кўрсатма берилди. Шу асосда ишлай бошладик ҳам. Аммо тез орада қатор му-аммолар чиқа бошлади:

1. Аҳолидан олинган газ, электр тушумларини почтачи-лар кечкурун олиб келиб бўлимга топширадилар. Бу пайтда эса автомашина келиб-кетади. Демак, бўлимда катта сумма тўпланиб қолади ва уни сақлаш хавфи бўлади.

2. Кишлоқ жойларида аҳоли асосан кечкурун уйда бўлган-лиги учун почтачилар шу пайт-да кўпроқ пул йиғадилар ва уни кечаси уйларига олиб кетишга мажбур. Бу ерда ҳам йиғил-ган пулни сақлаш қийинчили-ги туғилади.

3. Пенсионерлар почтачи қўлидаги пулни кўриб пенсия-мизни бер, пулинг борку, деб жанжаллашади. Айрим хона-донларда 3-4 кишигача нафақа оладиганлар бор. Демак, ҳал-қнинг норозилиги пайдо бўла-ди.

4. Биз корхонага талабнома юбориб, улар эса банкдан пул-ни олиб бизга юборганларидан сўнггина пул жўнатмаларини тўлай оламиз. Бу эса пул жўнат-малари тўловининг кечикиши-га сабаб бўлади.

"Оналар ва болалар" йили му-носабати билан "Матбуот тарқату-чи" акциядорлик ком-паниясида "Дунё бола-лар нигоҳи билан", "Онажоним меҳрибоним", "Она ва бола" мавзусида расмлар кўрик танлови ўтказилди. Танловда ғолиб чиққан иқтидорли болаларга қимматбаҳо мукофотлар берилди.

Компанияда ишловчи аёлларга эса меҳнат таътили улар учун қулай

вақтда берилиши йўлга қўйилди. Шунингдек, уларнинг ўттиз сак-киз нафар фарзандларига янги ўқув йили учун ўқув қуроллари совға қилинди. Ёз ойида "Қумушкон" ва "Чинобод" дам олиш уйларига им-тиёзи йўланмалар берилди. Бун-дан руҳланган корхона ходимлари

• Таклиф

5. Ҳамма алоқа бўлимлари-ни алоқа воситаси, телефон ёки рация билан таъминлаш керак, ваҳоланки тумандаги ўттиз иккита алоқа бўлимидан иккита-сида телефон бор, холос.

6. Коммунал тушумларни бўлимдан филиалга жўнатиш учун иккитадан инкассация сумкаси ёки кичик махсус халталар керак, бу нарса биз-да ҳозирча йўқ. Демак, қўшимча ишлар кўпаяди.

Ушбу буйруқ асосида иш-лайверсак банкларнинг касса режаси бажарилишига ёрдам бўлиши мумкин. Лекин, почта тизимидаги тезкорликни, пул жўнатмаларининг ўз вақтида тўлашни ва иш сифатини йўқотамиз.

Туманимиздаги Жартепа, Ватак, Тарокли, Мўминобод бўлимлари бошликлари Н. Хўжамоов, Р. Сувонов, Ш. Ра-химов, Ш. Мустафоев-ларнинг ҳам фикрлари шун-дай.

Мутасадди ташкилотлар коммунал тушумлардан ҳеч бўлмаса нафақа ва пул жўнат-маларини тўлашга ижозат бе-ришса мақбул бўларди, деб ўйлаймиз. Балки бошқа туман ва вилоятлардаги почта ало-қаси бўлимлари бошликлари ва почтачилари ҳам бу ҳақда ўз фикрларини билдиришар.

Маманазар МИРЗАЕВ,
"Самарқанд почтаси" АЖ
Уругт филиали
Ғус алоқа бўлими бошлиғи

МИННАТДОРМИЗ

янада самаралироқ меҳнат қил-моқдалар.

Кўрсатилаётган гам-хўрлик ва мурувват учун "Матбуот тарқатуви" АК бош директори Р. Қосимовга ва касаба

уюшмаси кўмитаси раиси Б. Салимовларга корхона аёлла-ри номидан ўз миннатдорчили-гини билдираемиз.

О. МУЗАФФАРОВА

ИЛК МАГИСТРАНТЛАР

"Наманган Телеком" АЖда Тошкент элек-тротехника алоқа институти битирувчилари тантанали кутиб олинди.

Акционерлик жамият бош директори К. Бо-қиев ёш мутахассисларни олий ўқув юртини муваффақиятли битириб, алоқачилар сафига қўшилганликлари билан қизгин табриклади, уларга эсдалик совғаларини топширди. Йи-ғилишда Давлат алоқа инспекцияси бошдиги Ш. Тоштемиров, "Ёш мутахассислар" уюш-маси раиси Б. Саидовлар сўзга чиқиб, битирувчи-

ларнинг ишларига омад тилашди.

Мустақиллик байрами арафасида биринчи марта магистратуранинг тўлиқ курсини бити-риб келган ёш мутахассисларга ойлик маош-ларининг 50 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ белгиланди. Уларнинг ишга келиб кетишлари билан боғлиқ бўлган барча харажатлар корхона томонидан қопланадиган бўлди.

3. ШАҲОБИДДИНОВА,
Наманган вилояти

Давлат алоқа инспекциясининг санкциялаш ва шикоятлар билан ишлаш бўлими Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг бўйруғига биноан 2000 йилнинг 25 сентябрыда ташкил этилган эди. Утган давр ичида ушбу бўлим томонидан қонуний ва меъёрий ҳужжатлар асосида қатор ишлар бажарилиди. Низоом асосида 2000 йил, 11 декабрдан бўлим таркибида "Ишонч телефони" хизмати ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Мурожаатларни ижобий ҳал этиш учун тегишли алоқа корхоналари ва ДАИнинг ҳудудий таркибий бўлинмаларига ёзма ва оғзаки топишириқлар бериб боришмоқда. Алоқа корхоналари ва ДАИнинг ҳудудий таркибий бўлинмалари билан биргаликда шикоят ҳамда аризаларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, чоралар кўрилатири. Айрим мутасадди раҳбарлар хатларга қониқарсиз жавоб беришмоқда. Чунинчи, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" АЖнинг Собир Раҳимов, Чилонзор, Янгйобод ва Миробод филиалларида баъзан шикоятларга батафсил жавоб берилмаёттир.

2001 йилнинг утган олти ойида "Ишонч телефони" хизматига почта ва телекоммуникациялар соҳасидаги корхоналардан бир юз иккита шикоят тушган. Шулардан тўқсон саккизтаси ҳужалик юритувчи субъектлар иштирокида кўриб чиқилганда ўттиз етти таси асосли деб топилиди. Маҳаллий телефон алоқасига доир ўттиз иккита шикоятдан йигирма тўққизтаси "ТШПТ" АЖ мижозларидан келган, "Фаргона Телеком" АЖ, "Самарқанд Телеком" ШК, "Чирком" ҚКларига эса биттадан шикоят тушган. Мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатдики, таъмирлаш бюросининг нотўғри ишлаши, маълумот бюросига чиқадиган болговчи алоқа линияларининг етишмаслиги, "09"нинг кўпроқ банд бўлаётганлиги, кабелларнинг ўтирилганлиги (Чилонзор, Миробод филиалларида), телекоммуникация линияи ишоотларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари етарли даражада юритилмаётганлиги, маҳаллий телефон

алоқаси қондаси талабларининг бузилиши ("ТШПТ" АЖнинг айрим филиалларида, "Фаргона Телеком", "Тошкент Телеком" АЖларда), телефон носоликларининг назорат мудлатида тузатишмаслиги, телекоммуникация хизматларида нархномаларига тарифларнинг нотўғри қўлланиши, шаҳарлараро сўзлашувлар учун асоссиз ҳисобланган тўловларнинг мавжудлиги каби ҳолатлар шикоятларга сабаб бўлмоқда.

Кабел телевидениеси ишидан нон

нинг Чилонзор (42,9 фоиз) ва Собир Раҳимов (67,2 фоиз) филиалларининг телефон алоқаси хизмати сифатидан қониқмайдилар.

Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ДАИ ишининг натижаси яна шуни ҳам кўрсатдики, вилоят марказларида ташкил этилган "Ишонч телефони" хизмати ҳамда истеъмолчиларни аниқлаштириш ишларини янада фаоллаштириш барча ҳудудларда муҳим ва зарур экан.

лаш тармоғида иш сифати бузилган бўлса, молиявий санкция ундиришнинг имкони йўқ, чунки бирламчи ҳисоботларни юритиш йўриқномаси, статистик ҳисобот амалга киритилмаган;

— почта алоқаси бўйича 15-шақл ҳисоботи "Хат-хабарларни назорат мудлатида ўтишининг бузилиши" сифат кўрсаткичига киритилганда унинг корхона айби билан солидир этилганлигини аниқлаш имкони йўқ, Чунки жўнатилган хатжида даст-

• Муаммо • • Мулоҳаза

раги бўйича эса ўттиз учта ҳужалик юритувчи субъектдан ўн тўққизтаси, 2001 йил II чораги бўйича ўттиз тўртта ҳужалик юритувчи субъектдан ўн етти таси мазкур Қарор талабини бажармадилар.

Хуллас, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Агентлиқнинг меъёрий ҳужжатлари, ДАИнинг буйруқ ва фармойишлари бажарилишини таъминлашда ҳужалик юритувчи субъектлар ва ДАИнинг ҳудудий таркибий бўлинмалари раҳбарларининг таъсири ва ижрокчилик интизоми етарли даражада эмас.

Алоқа соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларини, кўрсатилмаётган хизматлар сифатини бузганлик учун молиявий санкцияларнинг жорий этилиши алоқа корхоналари раҳбарларининг ўзига бўлган талаби ва масъулиятини оширади, деб уйлаймиз.

Санкция тизими, "Ишонч телефони" хизмати, истеъмолчилар ўртасида сўрономалар ўтказиб бориш ишларининг такомиллаштирилиши почта, телекоммуникация ва матбуот тарқатиш хизматлари сифатини, хизмат маданиятини янада юқори поғоналарга олиб чиқишига умид қиламиз.

И. ТўРАҚУЛОВ,

Давлат алоқа инспекцияси
санкциялаш ва шикоятлар
билан ишлаш бўлими бошлиғи

ИШ ТАҲЛИЛИ — СИФАТ КАФОЛАТИ

розилкларнинг пайдо бўлиши эса "Фуқароларнинг мурожаати тўғрисида"ги ва "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларнинг амалда тулиқ бажарилмаслиги, Ўзбекистон кабел телевидениеси АЖ билан шартнома асосида фаолият кўрсатаётган кабел телевидениеси студиялари ишнинг раҳбарият етарли даражада назорат қилмаётганлиги ва лицензия шартларига риоя этилмаслиги билан боғлиқдир. Хизмат сифатидан қониқмаган истеъмолчилар шикоят қилиш учун кабел телевидениеси телестудияларнинг манзили, раҳбарларнинг исми-шарифи ва қабул вақтлари тўғрисида маълумотга эга эмаслар. Бундан шу нарсга кўриниб турибдики, "Ўзбекистон кабел телевидениеси" АЖда лицензия шартларининг бажарилиши талаб даражасида эмас.

Почта алоқаси хизматига доир ўн битта мурожаатдан иккитаси асосли бўлиб ("Тошкент почтаси" ва "Сирдарё почтаси" АЖларида), уларнинг келиб чиқиш сабаблари кўйилди:

— газета ва журналлар обунчаларга ўз вақтида етказилмаган;

— пенсия тўловлари қондаси кўпол равишда бузилган;

— истеъмолчиларга кўпол муомала қилинган.

Агентлик томонидан тасдиқланган "Истеъмолчиларни аниқлаштириш тартиби" асосида Тошкент шаҳрида Давлат алоқа инспекцияси жорий йилнинг 25-30 март ва 21-25 май кунлари почта ва маҳаллий телефон алоқаси хизматлари сифатининг истеъмолчилар томонидан қандай баҳолашнишни билиш мақсадида сўронома ўтказди. Натижада маълум бўлидики, аҳоли "ТШПТ" АЖ-

Жорий йилнинг 23 апрелидаги Агентлик қарорига эса "Ўзбектелеком" АЖ ва "Ўзбекистон почтаси" ДАК таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларида "Ишонч телефони" хизматини ташкил этиш бўйича ДАИ ва компаниялар билан тузилган Бош келишувга қўшимчалар киритилди. Аммо "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ишида ҳамон ташаббускорлик ва фаоллик сезилмаётти.

Агентлиқнинг "Алоқа соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, давлат тармоқ стандартлари талабларини, кўрсатилмаётган хизматлар сифатини бузганлик учун молиявий санкциялар (жарималар) тўғрисида"ги буйруғи асосида меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Унга асосан, ДАИ ҳамда почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (ПТРДТҚҚЖ) билан ҳамкорликда почта, телекоммуникация ва матбуот тарқатиш хизматлари сифатини бузганлик ҳақида тақдим этилган давлат ҳамда идоравий статистик ҳисоботлар асосидаги молиявий санкциялар ҳужалик юритувчи субъектларда қўйидаги микдорда ҳисобланди: 2000 йил сентябр ойи учун 1,1 миллион сўм, IV чорак учун 5,1 миллион сўм, 2001 йил I чорак учун 3,9 миллион сўм, II чорак учун 5,8 миллион сўм. Жами молиявий санкция (жарима) 15,9 миллион сўмни ташкил қилди.

Иш таҳрибларимиз ва таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки:

— ушбу радиотелефон алоқа хизмати, сунъий йўлдош алоқаси, маълумотларни узатиш ва қайта иш-

лабки ва охириги алоқа бўлими тақвим тамғаси қўйилади, холос. Демак, оралиқдаги манзилларда тақдим тамға хатжида урилмайди, натижада айбдор алоқа корхонасини аниқлаш қийин бўлади. Шунинг учун Агентлик ва "Ўзбекистон почтаси" ДАК бу муаммонинг ечимини топиши лозим.

Матбуот тарқатиш хизматларини кўрсатувчи ҳужалик юритувчи субъектларнинг ўтган чоракларда тақдим этган статистик ҳисоботларида сифат кўрсаткичлари бузилиши ҳолатлари бўлмаганликлари сабабли молиявий санкциялар ҳисобланмаган.

Шу ўринда айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ҳужалик юритувчи субъектлар ҳисобланган молиявий санкциялар микдорини ҳисобот давриддан кейинги ойнинг 30-санасига қадар ПТРДТҚҚЖ га ўтказиши шарт. Аммо 2000 йилнинг IV чораги ҳисоботи бўйича сабабли молиявий санкциялар ҳисобланган ўттиз битта ҳужалик юритувчи субъектдан йигирма олтитаси, 2001 йилнинг I чо-

ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

Тошкент электротехника алоқа институтида янги ўқув йили бошланишига бағишланган тадбирни институт ректори, техника фанлари доктори, профессор С. Қосимов кириш сўзи билан очди ва институтнинг барча ўқитувчи ва талабаларини мустақиллигимизнинг ўн йиллиги байрами ҳамда янги ўқув йили билан табриқлади.

2001/2002 ўқув йили учун институтга 851 нафар талаба қабул қилиниши режалаштирилган эди. Шундан 801 та кундузги ўриндан 524 (шундан 224 таси грант асосида) таси ўзбек

тилидаги таълим учун, 277 (шундан 117 таси грант асосида) таси рус тилидаги таълим учун ажратилди. Сиртки таълим учун белгиланган элликта ўриннинг ҳаммаси шартнома-тўлов асосида амалга ошириладиган бўлди.

Тест натижаларига кўра ўзбек тилидаги таълим учун бюджет бўйича 137,70 балл, шартнома бўйича эса 112,70 балл тўплаганлар талабалikka қабул қилинди. Худди шу йўналиш бўйича рус тилидаги таълим учун грантга қабул 178,30 ва 137,00 балл қилиб белгиланди.

Йўналишлар бўйича ўтиш баллари:

Йўналиш	Ўзбек тилидаги таълим		Рус тилидаги таълим	
	грант	шартнома	грант	шартнома
Иқтисодиёт	159,80	129,30	199,20	168,10
Почта хизмати	116,00	102,20	125,20	109,00
Касбий таълим	111,50	83,50	126,40	115,90
Сиртки таълим				
Иқтисодиёт	—	145,90	—	115,70
Телекоммуникация	—	99,10	—	108,90

Биз тест синовларини муваффақиятли топириб, талабалikka қабул қилинган йигит-қизларни табриқлаймиз ва уларга мустақил Ўзбекистонимизнинг равақи ва фаровонлиги йўлида астойдил ўқиб, самарали меҳнат қилишларини талаб қоламиз.

Ф.АСОМХҲАЕВ,
ТЭАИ "Қамолот" ёшлар ҳаракатининг раиси

"Ўзбекистон почтаси" Давлат акциядорлик компанияси Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан ўтказилган "Почта маркаси" танлови қолибларини эълон қилади:

Мавлуда Исроиловна СОБИРОВА биринчи, Рита Николаевна ҚАНЦУР иккинчи, Ортиқ ИСКАНДАРОВ учинчи совринларни кўлга киритишди.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Темуркўчаси, 1-тор кўча, 2 уй.

Телефонлар: 133-91-50; 136-01-89.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ

Барча юртошларимизни
Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги билан
самимий муборақбод этади!

Ушбу елғуз айёт билан кўнлар эканмиз,
хонадонингизга тинчлик,
хотиржамлик ва дастурхонингизга
барақа тилаймиз.

Юртингиз осойишта, остоингиз бегубор,
мустақиллигитиз абадий бўлсин.

ЭЙ ВАТАНИМ

Ўзбекистон, сендай Ватан тополмасман,
Номинг куйлаб кўшиқларда мен толмасман.

Яралса олам қайта — ҳаёт сўқмоқларин,
Ўз элимдан, тупроғимдан ҳеч қолмасман.

Дунёда кўп чаманзорлар яшнагайлар,
Минг жилвагар бўлса баҳра ололмасман.

Она — Ватан меҳринг билан униб ўсдим,
Ишқинг улуғ асло ундан кечолмасман.

Халқим ўзинг бердинг илм, она тилим,
Тузинг ҳаққин бори умрим узолмасман.

Аллоҳ сендан айирмасин бу фарзандинг,
Сенсиз бўлса бутун олам тан олмасман.

Муҳаммадки, иқбол тилар эртаю-кеч,
Маҳфиянгни айтмай бир дам туролмасман.

ВАТАН

Ватан эрур Она — ер, тупроқ,
Тоғу тошлар, чўққилари оқ,
Ватан — дарё, дала, даштларим,
Кўчалару хибон, чорбоқ.

Ватан асли отанг ҳам онанг,
Ака-уканг, боланг, жонанг,
Маҳалланг у, уйинг, оstonанг,
Ҳаётинг ҳам умринг, замнанг.

Ватан будир меҳнатинг, ишинг,
Эзгулик — ла савоб қилмишинг,
Ҳаёлларинг, эътиқодинг ё
Олам таниб илм билишинг.

Бу Ватанни севмоқлик бир фарз,
Асрамоқлик ҳар инсонга ҳарз,
Ўзбекистон равнақинг тилаб,
Бори умрим ўтгуси шу тарз.

ЭЛИМ

Ўзбек номинг халқим менинг ҳур элим,
Озод юрда боғу бўстон қур элим,
Яшна, гулла, умринг боқий тур элим,
Жаҳон ичра сен-ки мағрур юр элим.

Ўзбекистон гўзал тенги йўқ Ватан,
Олтин у зар бойликларга тўқ Ватан,
Ҳеч топилмас дунёда сен бир чаман,
Келди замон энди даврон сур элим.

Жаннатмакон водийлардан сув келар,
Бунда булбул сайрар оҳулар елар,
Сарҳалларинг узра тўрт фасл кезар,
Аҳли олам ҳам ҳавас қилур элим.

Темур каби ўғлонларинг бор сенинг,
Улугбекдек султонларинг бор сенинг,
Мангуберди дostonларинг бор сенинг,
Юракларга мағрурлик солур элим.

Ал-Беруний олимлар олимидир,
Ибн Сино тиб илмидан очиб сир,
Ал-Хоразмий риёзатда бўлиб бир,
Таратурлар илму зиё нур элим.

Лутфий ғазаллари олам чиройи,
Навоийдир назм осмонининг ойи,
Қодирий, Усмон ё Чўлпоннинг жойи,
Қалбларинг тўрида турур элим.

Меҳрибоним онажоним сен ўзинг,
Ўзга юрда жонажоним сен ўзинг,
Жаҳон ичра бир жаҳоним сен ўзинг,
Сенга қалбим доим талпинур элим.

Фарзандлигим сенга ўзи бахтимдир,
Ҳузурингда хизмат тожу тахтимдир,
Сен учун яшамоқ олий аҳдимдир,
Бердинг поклик, мардлик ҳам ғурур элим.

Юртбошим меҳридан қувват оласан,
Бахтинга чаргон йўллар соласан,
Замонлар ўтса ҳам мангу қоласан,
Порлоқ келажагинг буққидир элим.

Муҳаммадзахроб ИСМАНОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва
телекоммуникациялар
агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Курулбой ТЎЛЕБОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул
ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Тахририятга келган қўл-
ёзмалар (2 ораликда, 5
бетдан ошмаслиги лозим)
ва суратлар муаллифларга
қайтарилмайди. Мақола-
лардаги фикр-мулоҳазалар,
келтирилган факт ва рақам-
лар масъулияти муаллифлар
зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитасида
00011 рақам билан рўйхатга
олинган.

Бўюртма № Г-2839.
4844 нусхада чоп
этилди.

Офсет усулида
босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1
босма табок.
Газета тахририят компьютер
базасида терилди ва саҳифа-
ланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-
МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ
БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6

Бу қизик!

Швециялик Норман Свенсон
лотереяда 8,5 миллион крон (1
миллион доллар атрофида) ют-
ганидан сўнг антиқа қилиқлар чи-
қара бошлади.

Норман дуч келган кишига
буюк истеъдод соҳиби эканлиги-
ни, атрофдаги одамларнинг бар-
часи бир пулга қимматлигини зўр
бериб тушунтиришга уринди. Ка-
риндошлари бу ҳолни дастлаб
ютқудан эсанкираш деб ўйлади-
лар. Лекин бир куни Норман Рим
папаси ва Билл Клинтонга теле-
грамма юбориб, "ютқуни ювиш"-
га таклиф қилганидан сўнг ақл-
дан озганига ишонишди. Рухий
шифокорнинг олдига келган милли-
онер ҳе йўқ, бе йўқ "Исо" пай-
гамбарнинг авлодиданман, деб
туриб олди. Ҳозир шифокорлар лот-
ерея ютуғи эгасини даволаш бил-
ан овора.



Бегубор болалик

ОИЛА ҲАНГОМАЛАРИ

Она ўғлига:

— Бугун ўқувчи сендан яна ши-
коят қилди.
— Қизик! Ахир бугун мен мактаб-
да бўлганим йўқ-ку!

Аёл эрини излаб қаҳвахонага кел-
ди. Эр бундан аччиқланиб аёлига
деди:

— Сен мени калақа қилаяпсан,
шажилли. Мени излагани доим қаҳ-
вахонага келасан. Нима, бошқа жой
қуриб қолганми? Нега мени бирон-
бир музейдан ахтармайсан?!

— Судланувчи! Умидворманки,
энди биз бошқа учрашмаймиз.
— Ўртоқ судя, нега бундай деяп-
сиз, сизни ишдан бўшатишдимми?

Она қизидан сўрапти:

— Ростдан бўйингда борми?
— Ҳа, бунга менга шифокор айтди.
— Боланинг отаси ким?
— Шифокордан сўраган эдим, у
билмайман, деди.

Аёл шифокорга телефон қилапти:
— Доктор, нима қилиш керак.
Эримни асфальт текислайдиган ма-
шина босиб кетди!
— Яхши. Эрингизни факс орқали
жўнатинг, бир иложини топармиз.

Ота-ўғил суҳбат қилишяпти.
— Мактабда нима гап?
— Дада, биласизми, ўқувчимиз

жуда ичи қора одам экан-да.

— Бу гапни қаердан олдинг?
— Ҳар маҳал мени қувиб чиқа-
раётганда: — Мен отанг бўлганим-
да нима қилишимни ўзим билар-
дим, дегани деган.

Одамга лиқ тўла автобусда эр-
как кишининг дўриллаган овози
эшитилди:.

— Аквариум кўтариб кетаёт-
ган одамга жой берадиган ким-
са борми?

Жой бўшатаётган бир аёл эр-
как қўлида аквариум йўқлигидан
хайрон бўлиб сўради:

— Аквариум қани?
— Қорнимнинг аллақаярида
беш кружка пиво билан утга ба-
лиқ бор.

ТАБРИКЛАЙМИЗИ!

"Хавар" газетаси жа-
моаси тахририятимиз
хайъати аъзоси, "Матбуот таркату-
чи" акциядорлик компанияси бош ди-
ректори **Рустам ҚОСИМОВ**ни 50
ёши билан самимий табриклайди.
Унга узок умр, сийхат-саломатлик,
алоҳа соҳасидаги ишларида муваф-
фақиятлар тилайди.

"Хавар" газетаси жамоаси газе-
тамининг фаол муаллифларидан
бири, "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош
директори ўринбосари **Абдусаттор
ОРИТҚОВ**ни тутилган куни билан
чин дилдан кўтлайди. Унга мазмун-
ли умр, ишларида омад, ижодига
барака тилаб қолади.

"Бухоро почтаси" АЖ Ромитан
филиали жамоаси акциядорлик жа-
мияти бош директори **Ҳосият РА-
ЖАБОВА**ни тутилган куни билан са-
мимий табриклайди. Унга сийхат-са-
ломатлик, оилавий хотиржамлик, иш-
ларида ривож тилаб қолади.

Газетамизнинг навбатдаги
сони 21 сентябрда чиқади.